

ЎУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХУСЕНОВА НОДИРА ТУРГУНОВНА

**БОЛАЛИК ДАВРИ НЕВРОЛОГИК СТАТУСИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН
ҲОЛДА АУТИСТИК СПЕКТР БУЗИЛИШЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА
КОРРЕКЦИЯ ҚИЛИШНИ ЯХШИЛАШ**

14.00.13 – Неврология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Хусенова Нодира Тургуновна

Болалик даври неврологик статусини ҳисобга олган ҳолда
аутистик спектр бузилишларини ташхислаш ва коррекция
қилишни яхшилаш 3

Хусенова Нодира Тургуновна

Оптимизация диагностики и коррекции расстройств
аутистического спектра с учетом неврологического
статуса в детском возрасте 27

Khusenova Nodira Turgunovna

Optimization of the diagnosis and correction of autism
spectrum disorders taking into account the neurological
status in childhood 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 55

ЎУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХУСЕНОВА НОДИРА ТУРГУНОВНА

**БОЛАЛИК ДАВРИ НЕВРОЛОГИК СТАТУСИНИ ҲИСОБГА ОЛГАН
ҲОЛДА АУТИСТИК СПЕКТР БУЗИЛИШЛАРИНИ ТАШХИСЛАШ ВА
КОРРЕКЦИЯ ҚИЛИШНИ ЯХШИЛАШ**

14.00.13 – Неврология

**тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib2118 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар

Эргашева Наргиза Насриддиновна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Раимова Малика Мухамеджановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Дьяконова Елена Николаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор
(Россия Федерацияси)

Етакчи ташкилот

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-28, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (+99878)150-78-28).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйлаб аутистик касалликларнинг тарқалиши сезиларли даражада – ҳар 10 000 нафар болага 16 тадан 56 тагача ошди. Бундай болалар бутун жамият учун тиббий ижтимоий, иқтисодий ва психологик муаммо сифатида катта аҳамият касб этиб келмоқда. Ихтисослаштирилган ёрдамсиз, аутистик спектр бузилишлари (АСБ) бўлган болаларнинг 95–97% и оғир руҳий ногирон бўлиб қолади. Бу болаларнинг аксариятига тизимли тиббий ёрдам талаб этилади. Ақлий заифлик билан ассоциацияланувчи аутизмга чалинган беморларнинг аксарияти бутун ҳаётлари давомида ижтимоий ва таълим-тарбиявий ёрдамга муҳтож бўлишади¹. Жаҳонда аутизмни ташхислаш, клиник аспектларини аниқлаш ва даволаш самарадорлигини ошириш учун биринчи ўринда неврологик асосларни ўрганиш, замонавий баҳолаш воситаларидан фойдаланган ҳолда ташхисот усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада мутахассисларнинг жиддий саъй-ҳаракатлари аутистик спектрдаги бузилишларни эрта ташхислаш, даволаш натижаларининг қониқарсизлиги сабабларини аниқлаш ҳамда замонавий тадқиқот усуллари асосида профилактика усуллари такомиллаштиришга қаратилган.² Шу сабабли, аутистик спектр бузилишлари бўлган болаларга сифатли, тўғри ва илмий асосланган тиббий текширув ҳамда даволаш-профилактика ишларини олиб бориш бугунги кунда замонавий тиббиётнинг энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларга эрта ташхис қўйиш, даволаш ва профилактика ишларини ўтказишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария ёрдами сифатини ошириш, тиббиёт ходимлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва самарадорлигини яхшилаш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда АСБнинг эрта ташхисот белгиларини ҳамда уларни тузатиш усуллари ишлаб чиқиш ва оптималлаштириш устувор йўналиш бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 майдаги «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/autism-spectrum-disorders>

² Global prevalence of autism: A systematic review update. Zeidan J et al. Autism Research 2022 March.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори

шароитлар яратиш тўғрисида»ги ПФ-6221-сон, 2022 йил 28 январдаги ПФ– 60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамни аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар кўрсатиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аутист боланинг дезадаптациясига таъсир кўрсатадиган психик ва неврологик функциялар бузилиши сабабларини ўрганиш бўйича дунёда кўплаб тадқиқотлар ўтказилганига қарамай, ушбу муаммо тиббиётдаги, хусусан, неврологиядаги долзарб масала бўлиб қолмоқда (Naghiri R, Mashayekhi F, Bidabadi E, Salehi Z., 2016). Бугунги кунда тиббий мутахассисларнинг эътиборини боланинг ривожланиши, унинг яқин инсонлари билан ўзаро таъсирлашиш қобилияти, унинг ижтимоийлашуви тортмоқда (Rudra A. et al., 2016). Илмий тадқиқотлар шуни исботламоқдаки, “... болалар аутизмнинг табиатини тушунишда фақат боланинг аффектив ва когнитив ривожланишидаги бузилишларнинг ягона мантиғини англаганда тараққиётга эришиш мумкин”. (Ростомашвили И.Е., Уфаева Н.Ю., 2016; Baird G., et al., 2006; Kogan M.D., et al., 2007; Magiati I. et al., 2017). Ушбу турдаги руҳий дизонтогенезнинг шаклланиши боланинг атрофидаги дунё билан муносабатга киришишидаги чуқур муаммолар билан боғлиқлигини тушуниш илк ёшга қаратилган тадқиқотларнинг муҳимлигини таъкидлайди. Бироқ, аутизм мавжуд болаларда эрта руҳий ривожланишнинг бир қатор муҳим жиҳатлари етарлича ўрганилмасдан қолмоқда (Freitag C.M., et al., 2010; Лещенко С.В., 2018). Нейрофизиологик, нейровизуализацион, биокимёвий ва иммунологик тадқиқотларда АСБни нейроривожланишдаги бузилишлар хусусиятлари сифатида қаралиши кераклиги аниқланган (Филиппова Н.В., Барыльник Ю.Б., 2018; Хакимова Г.Р. и соавт., 2016; Дониёрова Ф.А., 2021). Бир қатор тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, «... аутистик бузилишларда мия дисфункцияси бир нечта даражада юзага келади». (Прохорова А.В., Туйчибаева Н.М. и соавт., 2018; Wegiel J, Flory M, 2014). Ҳозирги пайтда нерв тизимидаги патологик ўзгаришлар ривожланиши патогенезида биокимёвий маркерлар ролига катта қизиқиш билдирилмоқда, хусусан, “... нейроспецифик энолаза (NSE), глиал фибрилляр кислотали протеин (GFAP), миелиннинг асосий оксиди (MBP) ва S100 оксиди” каби нейроспецифик оксилларга катта эътибор қаратилмоқда. (Скоромец А.А., Дамбинова С.А., Дьяконов М.М., 2019; Dvorak F, Haberer I, Sitzer M, Foerch C., 2019). Ушбу нейроспецифик оксиллар бош мия церебрал шикастланишининг патогенетик механизмларида иштирок этади. Бироқ, илмий адабиётларда аутизм мавжуд болаларда ушбу нейрооксилларни ўрганиш борасида санокли

тадқиқот ишлари мавжуд. Келтирилган маълумотлар турли йўналишларда бўлиб, аутистик спектр бузилишлари ва умуман аутизм ривожланишининг патогенетик механизми ҳозирги кунда мунозарали бўлиб қолмоқда. Илмий адабиётлар манбаларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, «... даволаш усулларининг бир нечтасигина аралашувлар самарадорлигини баҳолаш мезонларига мос келади». (Федотчев А.И., Дворянинова В.В., Беликова С.Д., Земляная А.А., 2019; Kilburn T.R., Sorensen M.J., Thastum M. et al., 2019). Аммо таъкидлаш жоизки, ўтказилаётган тадқиқотлар сифати яхшиланмоқда, назорат қилинадиган тадқиқотларнинг исботланганлиги ва рандомизирланганлиги даражаси ҳисобга олинмоқда (Ольшанский О.В., Гречаный С.В., 2017; Hyman S.L., Levy S.E., Myers S.M., 2020; Madjidova Y.N. Alidjanova D.A. Khidoyatova D.N., 2020). Сўнгги вақтларда АСБ мавжуд болаларни даволашда микротокли рефлексотерапия (МТРТ) қўлланилмоқда. МТРТ – кенг доирадаги касалликлар, жумладан болаларда МАТ шикастланишлари, хусусан АСБларда кенг қўлланиладиган самарали замонавий даволаш усули ҳисобланади. (Голованова С.И., 2019; Mark J., Taylor A. et al., 2020).

Бир қатор тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, МТРТ нейронлар фаоллиги кучининг ўзгаришига, ўтказувчи йўллар экспрессиясига олиб келади, нерв ҳужайралари томонидан ҳам ташқи, ҳам ички импульсларни етарли даражада таҳлил қилиши учун шароит яратади, бу эса бош мия биологик токи фаоллигининг, соматосенсор табиатли потенциал параметрларининг ўзгаришини таъминлайди. Рефлектор типдаги мотонейронлар экспрессиясига, функционал типдаги синамаларда моносиноптик мушак рефлексларининг оптималлаштирилишига, ҳаракат, руҳий, нутқий ва вегетатив функциялар яхшиланишига таъсир этади. (Маджидова Ё.Н., Рашидова Г.У., Усманов С.А., 2019; Гаврилова Т.А. ва ҳаммуаллифлар., 2019). МТРТ болаларда когнитив ва нутқ бузилишларини коррекциялашда дори-дармонларсиз даволаш усуллари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди.

Шундан келиб чиқиб, АСБнинг комплекс кўп босқичли эрта диагностикасини оптималлаштириш, болаларда неврологик бузилишларни ва бош мия нейропептидларини ҳисобга олиб уларни коррекциялаш тамойилларини ишлаб чиқиш, ногиронлик кўрсаткичларини камайтириш ва уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини бериши ушбу тадқиқот ишининг долзарблигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган бўлиб, республикада амалга оширилаётган устувор илмий тадқиқотларга мувофиқ келади. Мазкур иш «Клиник олди ва намоён бўлишининг илк босқичларида аутизмни эрта ташхислаш скрининг усулларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги ПЗ-20170929704 рақамли ва «Ўзбек тилида АВА терапия усули ёрдамида аутизмни болаларни комплекс даволаш миллий дастурини ишлаб чиқиш» мавзусидаги ИЛ-402104204 рақамли грант доирасида бажарилган (2018–2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади аутистик спектр бузилишларининг дастлабки кўп босқичли комплекс ташхисотини оптималлаштириш ва болалик давридаги неврологик касалликлар ҳамда мия нейропептидларини ҳисобга олган ҳолда уларни коррекциялаш тамойилларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

М-CHAT-R ва DSM-V тестлари натижаларини бирлаштирувчи мезонлар шкаласи бўйича АСБни эрта ташхислаш;

АСБ бўлган болалар қонида нейроқсилларнинг ўрнини таҳлил қилиш;

АСБ оғирлигининг кросскорреляцион таҳлилини ўтказиш билан АСБ бўлган болалар орасида сочларнинг макро ва микроэлементлар таркибини ўрганиш;

клиник ва биокимёвий кўрсаткичлар натижаларини дори-дармонли комплекс даволаш ҳамда МТРТ ва АБА терапия билан дори-дармонсиз даволаш динамикасида қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти. Тадқиқот ишида мулоқотмандлик, нутқнинг йўқлиги, стереотипик, такрорланувчи хатти-ҳаракатларнинг мавжудлиги, қизиқиш ва иштиёқнинг чекланганлиги кабилардан шикоят қилган 405 нафар бола ўртасида ўтказилган сўров натижаларининг таҳлиллари келтирилган. Улар орасидан 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган АСБ билан оғриган 120 нафар бола ажратилиб, динамик кузатувга олинган ва клиник, неврологик ҳамда иммунобиокимёвий тадқиқотлар натижалари ўрганилган. Назорат гуруҳини худди шу ёшдаги 35 нафар амалий соғлом болалар ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети. Иммунобиокимёвий тадқиқотлар ўтказиш учун қон зардоби, микроэлементлар таркибини ўрганиш учун эса сочлардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида клиник-неврологик, нейропсихологик, иммуно-биокимёвий ва инструментал тадқиқот усуллари маълумотлари асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

М-CHAT-R скрининг шкаласи ва DSM-V мезонлари таҳлили асосида болаларда АСБни эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

умумий миелин оксили (УМО) массанинг пасайиши ортида юқори таркибли S100B, NSE ва GFAP номутаносиблигининг юзага келиши турли бош мия тузилмалари шаклланиши ва етилишида бузилиш мавжудлигидан далолат бериб, болаларда корреляция таҳлили билан тасдиқланадиган аутизм белгилари ривожланишига олиб келиши асосланган;

АСБ билан хасталанган болалар қонида ST-Serotonin даражасининг ошиши, патогенетик жиҳатдан бундай болаларнинг ҳиссий-мотивацион соҳадаги бузилишлари билан боғлиқлиги ҳамда сочлардаги натрий, хром, бром, кальций, цинк, мис, темир, кобальт ва йод типидagi базавий элементлар концентрацияси асаб ва иммун тизимларнинг тўғри ишлашида муҳим роли аниқланган;

МТРТни қўллаш АСБ билан оғриган болалар ижтимоий мослашувини яхшилашга ва уларнинг мулоқотмандлигини оширишга ёрдам бериши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

амалий соғлиқни сақлашда 2 ёшдан бошлаб болаларда АСБнинг клиник кўринишларини эрта аниқлашга ёрдам берадиган М-СНАТ-R скрининг сўровномаси ишлаб чиқилган;

АСБ билан хасталанган болалар микронутриент статусини аниқлаш орқали унинг бузилиш хусусиятлари аниқланиб, уни коррекциялаш усуллари таҳлил қилинган;

АСБ билан хасталанган болаларнинг нутқий кўникмалари, ижтимоий ўзаро муносабати ва мулоқотмандлигини 45% га яхшилашга ёрдам берувчи витамин комплекси ва МТРТни ўз ичига олган терапевтик чора-тадбирлар мажмуаси схемаси таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий, бир-бирини ўзаро тўлдирувчи клиник, инструментал, иммунологик ва статистик усуллардан фойдаланилгани, шунингдек, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, болаларда АСБни эрта ташхислаш механизмининг такомиллаштирилганлиги, уларнинг халқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Олинган тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сочининг микронутритив ҳолати ва нейроиммунологик кўрсаткичлар таркибини ўрганиш асосида болаларда АСБ ривожланишининг патогенетик механизми тўлдирилганлиги, бу эса ушбу патологиянинг дастлабки босқичларида муаммони аниқлашга ёрдам бергани билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти болаларда М-СНАТ-R скрининг шкаласи ва DSM-V мезонларига асосланган АСБларни барвақт ташхислаш усулларини оптималлаштиришдан иборат. АСБни коррекция қилиш учун болаларда МТРТни қўллаш илмий асосланди, у АСБли болаларнинг ижтимоий мослашувини яхшилашга ва киришимлилигини оширишга ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Тошкент педиатрия тиббиёт институти мувофиқлаштирувчи Эксперт кенгашининг 2024 йил 7 февралдаги 03/1688-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2024 йил 19 январдаги 03/179-сонли хати юборилган);

биринчи илмий янгилик: М-СНАТ-R скрининг шкаласи ва DSM-V мезонлари таҳлили асосида болаларда АСБни эрта ташхислаш мезонлари ўзбек тилида ишлаб чиқилгани У.Қ.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлар шифохонаси бўйича 21.11.2023 й.; 55-сонли ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети 1-клиникаси болалар неврологияси бўлими бўйича 20.11.2023 й.; 121-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: АСБни эрта ташхислаш бирламчи тиббиёт шифокорларига хавф гуруҳидаги болаларни ўз вақтида аниқлаш имконини беради ва ушбу касаллик

белгиларини эрта аниқлаш ногиронлик даражасини сезиларли даражада камайтиради, ҳамда келажакда ижтимоий мослашувни оширади. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: АСБ мавжуд беморларда кўп босқичли комплекс диагностика, жумладан клинко-неврологик, нейропсихологик, махсус шкалалардан фойдаланиш, хусусан, М-СНАТ-R ва DSMV мезонлари, болаларда АСБ белгиларини эрта аниқлаш ва адекват даволаш тактикасини танлаш имконини беради, бу эса ҳаражатларнинг камайишига олиб келади: $S/E = (S2 - S1) / (E2 - E1) = (186000 - 120000) / (76,7 - 17,6) = 34000 / 59,1 \times 100 = 57529,61$ сўм, бунда S/E – “ҳаражат/самарадорлик”, С1 ва С2 мос равишда биринчи ва иккинчи аралашувларнинг умумий ҳаражатлари, E1 ва E2 эса мос равишда биринчи ва иккинчи аралашувларнинг самарадорлиги бўлиб, исталган ва исталмаган клиник натижанинг коэффиценти бўйича ифодаланади. Хулоса: болаларда АСБнинг дастлабки белгилари ва касалликнинг ривожланиш хавф гуруҳини аниқлаш, диагностика муддатини қисқартириш ҳисобига ҳаражатларни 2,8 баробарга камайтиради ва бир бемор учун 57529,61 сўм иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: умумий миелин оқсили массанинг пасайиши ортида юқори таркибли S100B, NSE ва GFAP номутаносиблигининг юзага келиши турли бош мия тузилмалари шаклланиши ва етилишида бузилишдан далолат бериб, болаларда корреляция таҳлили билан тасдиқланадиган аутизм белгилари ривожланишига олиб келиши илмий асослангани У.Қ.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлар шифохонаси бўйича 21.11.2023 й.; 55-сонли ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 1-клиникаси болалар неврологияси бўлими бўйича 20.11.2023 й.; 121-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: умумий миелин оқсили массанинг пасайиши фонида юқори таркибли S100B, NSE ва GFAP номутаносиблигининг юзага келиши, бош мия турли хил структураларининг шаклланиши ва етилиши бузилганлигидан далолат бериши, адекват даволаш тактикасини танлаш имконини беради, бу эса ҳаражатларнинг камайишига олиб келади: $S/E = (S2 - S1) / (E2 - E1) = (186000 - 120000) / (76,7 - 17,6) = 34000 / 59,1 \times 100 = 57529,61$ сўм, бунда S/E – “ҳаражат/самарадорлик”, С1 ва С2 мос равишда биринчи ва иккинчи аралашувларнинг умумий ҳаражатлари, E1 ва E2 эса мос равишда биринчи ва иккинчи аралашувларнинг самарадорлиги бўлиб, исталган ва исталмаган клиник натижанинг коэффиценти бўйича ифодаланади. Хулоса: болаларда АСБнинг дастлабки белгилари ва касалликнинг ривожланиш хавф гуруҳини аниқлаш, диагностика муддатини қисқартириш ҳисобига ҳаражатларни 2,8 баробарга камайтиради ва бир бемор учун 57529,61 сўм иқтисодий самарадорликка эришиш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: АСБ билан хасталанган болалар қонида ST-Serotonin даражасининг ошиши патогенетик жиҳатдан бундай болаларнинг ҳиссий-мотивацион соҳадаги бузилишлари билан боғлиқлиги исботлангани, шунингдек, нерв ва иммунитет тизимларининг фаолиятида иштирок этувчи

макроэлементлар (натрий, хром ва бром), эссенциал элементлар (кальций, хром, рух, мис, темир, кобальт, йод) даражаси токсик микроэлементлар (рубидий, кумуш, лантан, уран) таркибининг ошиши тенденцияси ортида пасайиши аниқлангани, ҳамда сочларнинг микроэлементлар таркиби ва унинг болалардаги АСБ оғирлигига боғлиқлигининг комплекс баҳолангани У.Қ.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлар шифохонаси бўйича 21.11.2023 й.; 55-сонли ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети 1-клиникаси болалар неврологияси бўлими бўйича 20.11.2023 й.; 121-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: олинган маълумотлар АСБда микроэлементлар етишмовчилигининг ривожланиш диагностикасини яхшилайти ва бу даволаш тамойиллари ҳамда болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: йиллик тежаш қиймати: $I_{yil} = I_u - SH_{um} = 33003632 - 7800000 = 25203632$ сўм. Бу ерда, I_{yi} – касаллик учун кетадиган бир йиллик ўртача харажат; I_u ва SH_{um} – асосий ва тавсия этилаётган вариантларда бир касалликни ташхислаш ва даволаш учун 1 йиллик сарф-харажатлар. Хулоса: микроэлементлар ва витаминлар етишмовчилигини эрта босқичларда аниқлаш АСБ мавжуд болаларни даволаш харажатларини камайтириб, ҳар бир бемор учун бюджет маблағларини 25203632 сўмга тежайди.

тўртинчи илмий янгилик: МТРТни қўллаш АСБ билан оғирган болалар ижтимоий мослашувини яхшилашга ва уларнинг мулоқотмандлигини оширишга ёрдам беришининг илмий асослангани У.Қ.Қурбонов номидаги Республика болалар руҳий-асаб касалликлар шифохонаси бўйича 21.11.2023 й.; 55-сонли ҳамда Самарқанд давлат тиббиёт университети 1-клиникаси неврология бўлими бўйича 20.11.2023 й.; 121-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: аутистик спектр бузилиши бўлган болаларда микротокли рефлексотерапия ёрдамида комплекс даволаш боланинг ривожланиш кўникмаларини тиклашга, ижтимоий мослашувини яхшилашга ёрдам бериб, оғир оқибатлар ва ногиронликнинг олдини олади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: АСБни комплекс даволашда тавсия этилган МТРТ усули қиммат усул бўлиб, клиник хусусиятларига кўра у қўшимча харажатларни оқлайди. Комплекс даволанишда МТРТ олган АСБли болаларда нутқий кўникмалар ривожланган, диққатнинг унумдорлиги, кўрув модаллиги ортган, хавотирлилик, тажовузкорлик ва депрессив реакциялари камайган, шунингдек, мулоқотмандлик кўникмаларини эгаллаш ўртача 42,8% га ошган.

АСБ билан оғирган болаларни даволашнинг иқтисодий самарадорлиги тахлили шуни кўрсатди, кутилган клиник натижага эга бўлиш учун ушбу даволаш нархи: $S/E = (S_2 - S_1) / (E_2 - E_1) = (186000 - 120000) / (76,7 - 17,6) = 34000 / 59,1 \times 100 = 57529,61$ сўм, бунда S/E – “харажат/самарадорлик”, S_1 ва S_2 мос равишда биринчи ва иккинчи аралашувларнинг умумий харажатлари, E_1 ва E_2 эса мос равишда биринчи ва иккинчи аралашувларнинг самарадорлиги бўлиб, исталган ва исталмаган клиник натижанинг

коэффициенти бўйича ифодаланади. Хулоса: АСБ мавжуд болаларни даволаш харажатларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бир бемор учун керакли клиник нархи 57 529,61 сўмни ташкил қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, шу жумладан, 3 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, олинган маълумотларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Болаларда аутистик спектр бузилишларини ташхислаш ва даволашнинг долзарб масалалари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида адабиётларнинг таҳлилий шарҳи келтирилиб, маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар натижалари таҳлил қилинган. Болаларда АСБ этиологияси ва патогенезида макро- ва микроэлементларнинг ўрни, нейроиммунологик ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилган. Болалар аутизида микротокли рефлексотерапиянинг (МТРТ) ўтказиш тамойиллари келтирилган. Ушбу бобда адабиёт маълумотлари умумлаштирилиб, муаммонинг долзарблиги асосланган.

Диссертациянинг «**Клиник материалнинг умумий тавсифи ва текширув усуллари**» деб номланган иккинчи бобида муаммонинг ечимини таъминлайдиган методологик ёндашувлар ва тадқиқот натижаларини баҳолашда қўлланилган статистик усуллар тавсифланган. Ишда қўлланиладиган усуллар ва услубий ёндашувлар ушбу тадқиқотни ўтказиш учун етарли бўлган вазифаларга мос келади ва унинг ишончилигини таъминлайди.

Тадқиқот ишлари 2018–2021 йиллар давомида Тошкент тиббиёт институти Неврология кафедрасида ва «Реомарказ» базасида олиб борилди. Тадқиқотда 405 нафар бола жалб қилинган бўлиб, уларнинг ота-оналари

фарзандларида мулоқотмандлик, нутқнинг йўқлиги, стереотипик, такрорланувчи ҳатти-ҳаракатларнинг мавжудлиги, қизиқиш ва иштиёқнинг чекланганлиги кабилардан шикоят қилишган. Болалар кўриги психиатр шифокор билан биргаликда амалга оширилди.

Тадқиқот 4 босқичда ўтказилди:

1-босқичда М-СНАТ-R сўрови бўйича скрининг усулига асосланиб, мулоқотмандлик, нутқнинг йўқлиги, стереотипик, такрорланувчи ҳатти-ҳаракатларнинг мавжудлиги, қизиқиш ва иштиёқнинг чекланганлиги кабилардан шикоят қилинган 405 нафар бола орасидан АСБ билан касалланган 120 нафар бола ажратиб олинди. Болаларнинг ёши 2 ёшдан 6 ёшгача бўлиб, ўртача $3,8 \pm 0,4$ ёшни ташкил этди;

2 босқичда М-СНАТ-R маълумотларига кўра, клиник-неврологик кўрик ва DSM-V мезонлари асосида 120 та ҳолатда АСБ ташхиси қўйилди;

3-босқичда АСБ билан хасталанган (61 нафар) болалар сочида микроэлементлар ва (80 нафар бола) қонида нейрооксиллар даражаси таҳлили ўтказилди;

4-босқичда АСБ билан хасталанган болаларни комплекс даволашда микротокли рефлексотерапия (МТРТ)нинг самарадорлиги баҳоланди. Тасодифий танлама усули ёрдамида болалар 2 гуруҳга бўлинди: асосий гуруҳ – 80 нафар бола, МТРТ даволаш комплексига киритилди; 40 нафар бола – стандарт фармакотерапияга ва АВА-терапияга. Терапиянинг самарадорлиги АТЕС ва CARS сўровномаси ёрдамида баҳоланди.

Тадқиқот гуруҳларида АСБ ташхиси аутистик бузилишларни ташхислашда фойдаланиладиган DSM-V мезонлари ёрдамида аниқланди. А домени учун барча 3 та аломатнинг бўлиши, В домени учун эса 4 та аломатдан 2 таси бўлиши лозим.

Қўйилган мақсадга эришиш ва муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги гуруҳлар шакллантирилди. Назорат гуруҳига жинси ва ёши бўйича асосий гуруҳ билан таққосланадиган, таълим муассасаларига қатнайдиган ва аутистик бузилишлари бўлмаган 30 нафар бола киритилди. Асосий гуруҳ эса АСБ билан хасталанган 120 нафар боладан ташкил топди.

Қуйидаги мезонлар юқорида қайд этилган гуруҳлардан чиқариб ташлашга асос бўлди: марказий асаб тизими (МАТ)нинг айни пайтдаги органик шикастланишлари; ирсий моддалар алмашинуви бузилишлари (фенилкетонурия, тирозинемия, гиперглициурия ва бошқ.); хромосома касалликлари; бошқа аутистик спектр бузилишлари.

АСБни скрининг қилиш учун М-СНАТ-R усулидан фойдаланилди (Robins, Fein, Barton & Green, 2011). У ота-оналар ёки тарбиячилар учун 20 та банддан иборат саволнома бўлиб, 2-, 5- ва 12-бандлардан ташқари барча бандлар учун «ЙЎҚ» жавоби АСБ хавфини билдиради; 2-, 5- ва 12-бандлар учун «ҲА» жавоби АСБ хавфидан дарак беради.

Ушбу тадқиқотда кузатиш ва даволаш жараёнида болалар ҳолати динамикасини баҳолаш учун CARS шкаласидан фойдаланилди (Schopler E. et al., 1980, 1988; таржима Elina & Uri). CARS АҚШда 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган

болаларда аутистик аломатлар оғирлигини аниқлаш мақсадида кенг қўлланиладиган баҳолаш шкаласи ҳисобланади.

АСБ билан хасталанган болалар терапияси самарадорлигини баҳолаш учун АТЕС тести ўтказилди. АТЕС – ота-оналар ёки шифокорлар томонидан тўлдиришга мўлжалланган бир саҳифали бланкдир. Тест 4 та кичик тестдан иборат: I. Нутк/тил мулоқоти (14 та банд); II. Мулоқотмандлик (20 та банд); III. Сенсор/когнитив билимдонлик (18 та банд); ва IV. Саломатлик/жисмоний ҳолат/хулқ-атвор (25 та банд).

Макро- ва микроэлементларнинг таркибини аниқлаш учун турли стандартлар ишлатилди: маълум миқдордаги элементни кулсиз филтер қоғозига суртиш орқали олинган ички лаборатория стандартлари ва МАГАТЭ стандарт қиёслаш намуналари Н-4 (Animalblood) ва НН-1 (соч гомогенати), шунингдек, компаратор усул. Тадқиқот Ядро физикаси институтида олиб борилди (директор, к.ф.д. Садиков И.И.).

Нейротропик аутоантитаначалар (НААТ) таркибини аниқлаш ЭЛИ-Н-Тест қаттиқ фазали иммунофермент таҳлиlining стандарт процедуралари ва «Иммункулус» (Россия) тиббий тадқиқот маркази томонидан ишлаб чиқарилган бир хил номдаги тест тўпламлари ёрдамида А.Б.Полетаев (1988; 1995; 2017) методикаси бўйича амалга оширилди.

Олинган натижалар тиббий-биологик текширувлар учун мўлжалланган вариацион статистик усулидан фойдаланган ҳолда Pentium-IV компьютерида махсус программа пакети Microsoft Office Excel-2007 ёрдамида статистик таҳлил қилинди. Вариацион параметрик ва нопараметрик статистика усули ёрдамида ўртача арифметик кўрсаткич (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача стандарт хато (m), нисбий миқдор (учраш тезлиги %), Стъюдент (t) мезони бўйича олинган натижаларни солиштирма таҳлили, эксцесс мезони, гуруҳларга ажралиш тўғрилигини текширишда қўйиладиган эҳтимолли хатолар (P) асосий дисперсия тенглиги (F –Фишер мезони) ўрганиб чиқилди. Ўртача фарқларнинг ишончлилиги Стъюдент мезонлари асосида 95% ишонч оралиғи ($p < 0.05$) билан баҳоланди. Клиник тадқиқотлар давомида олинган маълумотлар, шунингдек, Windows 6.0 учун STATISTICA дастури ёрдамида таҳлил қилинди. Амалдаги кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик даражаси Пирсон корреляция коэффиценти ёрдамида корреляцион таҳлил ёрдамида амалга оширилди. Статистик аҳамиятли ўзгариш учун $p < 0,05$ кўрсаткич ишончлилиқ даража деб қабул қилинди.

Диссертациянинг «**Болаларда аутистик спектр бузилишларининг эрта ташхиси ва клиник-неврологик хусусиятлари**» номли учинчи бобида АСБни эрта ташхислаш мезонлари ва унинг ўзига хос клиник-неврологик хусусиятлари тақдим этилган. Тадқиқотнинг 1-босқичида АСБ билан хасталанган болаларни аниқлаш ишлари олиб борилди. Бунинг учун АСБ мавжудлиги шубҳа қилинган 405 нафар бола ўртасида М-СНАТ-R ташхисот усулида скрининг ўтказилди. Болаларда мулоқотмандлик, нуткнинг етишмаслиги, стереотипик, такрорланувчи ҳатти-ҳаракатларнинг мавжудлиги, қизиқиш ва иштиёқнинг чекланганлиги каби шикоятлар қайд этилган. Тадқиқот натижалари болаларнинг 44,9% ида ($n=182$) хавф паст

даражада эканлигини кўрсатди. Ўртача хавф даражаси болаларнинг 30,1% ида (n=122) аниқланди. Таҳлилда сўровдан ўтказилган болаларнинг 24,9% ида (n=101) юқори хавф даражаси қайд этилди. Шундай қилиб, М-СНАТ-R скрининг сўровномаси асосида текширилган 405 нафар болада АСБ ривожланишининг ўртача ва юқори хавф мавжудлиги аниқланди (мос равишда 30,1% ва 24,9%).

1-жадвал

Аутистик спектр бузилишларини DSM-V бўйича ташхислаш мезонлари

Доменлар	Мезонлар: етишмаслик	Беморлар сони					
		АСБ хавфи паст (n=182)		АСБ хавфи ўртача (n=122)		АСБ хавфи юқори (n=101)	
		n	%	n	%	n	%
А. Қуйида келтирилган шаклларда айна пайтда ёки ўтмишда намоён бўлган ижтимоий мулоқот ва ижтимоий ўзаро алоқанинг турли шароитларида доимий бузилишлари; бу домендаги барча 3 та аломатлар мавжуд бўлиши керак	1. Икки томонлама ўзаро ижтимоий алоқа	25	13,7	57	46,7	101	100,0
	2. Ижтимоий ўзаро алоқа учун ишлатиладиган новербал коммуникатив хатти-харакатлар	56	30,8	28	23,0	101	100,0
	3. Ўзаро муносабатларни ўрнатиш ва узмаслик, уларнинг моҳиятини тушуниш қобилияти	101	55,5	56	45,9	101	100,0
	1 та мезонни белгилаш	158	86,8	85	69,7	0	0,0
	2 та мезон бирикмаси	24	13,2	18	14,8	0	0,0
	3 та мезон бирикмаси	0	0,0	19	15,6	101	100,0
Б. Қуйида келтирилган шаклларнинг камида 2 тасида айна пайтда ёки ўтмишда намоён бўлган хатти-ҳаракат, қизиқиш ёки фаолиятларнинг чекланган, такрорланувчи андазалари (қолиплари); бу домендаги 4 та аломатдан 2 таси мавжуд бўлиши керак	1. Стереотипик ёки такрорланувчи ҳаракатлар, объектлар ёки нутқдан фойдаланиш	67	36,8	52	42,6	52	51,5
	2. Бемор доимийликни талаб қилади, ўрнатилган тартибга риоя қилишни қатъий назорат қилади, оғзаки ва оғзаки бўлмаган хатти -ҳаракатларнинг тартибланган андазаларидан фойдаланади	58	31,9	49	40,2	47	46,5
	3. Атипик жадаллик ва диққат билан намоён бўладиган ўта чекланган, қатъий қизиқишлар	0	0,0	19	15,6	39	38,6
	4. Ҳиссий стимулларга гипер-ёки гипо-сезгирлик	57	31,3	21	17,2	18	17,8
	1 та мезонни белгилаш	182	100	103	84,4	0	0,0
	2 та мезон бирикмаси	0	0,0	14	11,5	74	73,3
	3 та мезон бирикмаси	0	0,0	5	4,1	12	11,9
	4 та мезон бирикмаси	0	0,0	0	0,0	15	14,9

DSM-V мезонларига мувофиқ кейинги текширувлар натижасида М-СНАТ-R сўровномаси бўйича АСБ хавфи паст бўлган тақдирда 100% ҳолларда АСБ аниқланмади, ўртача хавф бўлган тақдирда 15,6% болаларда АСБ аниқланди, АСБ хавфи юқори бўлган тақдирда эса 100% ҳолларда АСБ ташхиси қўйилди, (1-жадвал).

Мулоқотмандлик, нутқнинг етишмаслиги, стереотипик, такрорланувчи ҳатти - ҳаракатларнинг мавжудлиги, қизиқиш ва иштиёқнинг чекланганлиги каби шикоятлар қайд этилган болалар		
↓		
М-СНАТ-R сўровномаси бўйича скрининг усули 2-, 5- ва 12-бандлардан ташқари барча бандлар учун «ЙЎҚ» жавоби АСБ хавфини билдиради; 2-, 5- ва 12-бандлар учун «ҲА» жавоби АСБ хавфидан дарак беради		
↓	↓	↓
Паст хавф	Ўртача хавф	Юқори хавф
Умумий ҳисоб 0–2 ни ташкил этади. Агар бола 24 ойликдан кичик бўлса, туғилганига 2 йил бўлганидан кейин уни яна текширинг. АСБ хавфи йўқ бўлган тақдирда кейинги ҳаракатлар талаб этилмайди.	Умумий ҳисоб 3–7 ни ташкил этади. Хавф даражаси ҳақида қўшимча маълумот олиш учун кейинги саволлар тайинланади (М-СНАТ-R/F нинг 2-босқичи). Қуйидаги ҳаракат талаб этилади: болани ва эрта аралашувнинг мақбуллигини ташхисий баҳолаш. Навбатдаги ҳисоб 0–1 ни кўрсатса, кўрик натижаси салбий ҳисобланади. Агар АСБ хавфи аниқланса, кейинги ҳаракатлар талаб этилмайди, аммо навбатдаги ташриф пайтида бола қайта текширилиши лозим.	Умумий ҳисоб 8–20 ни ташкил этади. Кейинги саволларни ўтказиб юбориш ва кечиктирмасдан ташхисий баҳолаш ва эрта аралашувнинг мақсадга мувофиқ эканлигига ўтиш жоиз.
↓	↓	↓
Ташхисни давом эттириш ва асосий касалликни даволаш	DSM-V мезонлари бўйича баҳолаш	
	А. Қуйида келтирилган шаклларда айна пайтда ёки ўтмишда намоён бўлган ижтимоий мулоқот ва ижтимоий ўзаро алоқанинг турли шароитларида доимий бузилишлари: 1) икки томонлама ўзаро ижтимоий алоқа; 2) ижтимоий ўзаро алоқа учун ишлатиладиган новербал коммуникатив ҳатти - ҳаракатлар; 3) ўзаро муносабатларни ўрнатиш ва узмаслик, уларнинг моҳиятини тушуниш қобилияти	Б. Қуйида келтирилган шаклларнинг камида 2 тасида айна пайтда ёки ўтмишда намоён бўлган ҳатти -ҳаракат, қизиқиш ёки фаолиятларнинг чекланган, такрорланувчи андазалари (қолиплари): 1) стереотипик ёки такрорланувчи ҳаракатлар, объектлар ёки нутқдан фойдаланиш; 2) бемор доимийликни талаб қилади, ўрнатилган тартибга риоя қилишни қатъий назорат қилади, оғзаки ва оғзаки бўлмаган ҳатти-ҳаракатларнинг тартибланган андазалари (қолиплари)дан фойдаланади; 3) атипик жадаллик ва диққат билан намоён бўладиган ўта чекланган, қатъий қизиқишлар; 4) ҳиссий стимулларга гипер- ёки гипо-сезгирлик
	А домен – бу домендаги барча 3 та аломатлар мавжуд бўлиши керак	
	В домен – 4 та аломатдан 2 таси мавжуд бўлиши керак	
	↓	↓
	Мавжуд эмас	Мавжуд
	Ташхисни давом эттириш ва асосий касалликни даволаш	АСБ ташхиси

1-расм. М-СНАТ-R ва DSM-V натижаларидан фойдаланиб, АСБни эрта ташхислаш мезонлари

Шундай қилиб, текширилган 405 нафар боладан 120 нафарида АСБ ташхиси қўйилди ва бу 29,6% ни ташкил этди. М-СНАТ-R скрининг усулининг сезгирлиги 95,1%, ўзига хослиги 90,3% ва аниқлиги 91,3% ни ташкил қилади. Баён этилган маълумотлардан келиб чиқиб, 2 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларда АСБни эрта ташхислаш скрининги сифатида таклиф этилган усулни тавсия қиламиз.

Юқорида қайд этилганлар асосида биз M-Chat-R ва DSM-V натижаларидан фойдаланиб, АСБни эрта ташхислаш мезонларини (Хусенова Н.Т., Мажидова Е.Н., Эргашева Н.Н., 2023 й.) ишлаб чиқдик, 1-расм.

Тадқиқот ишимизнинг навбатдаги босқичи АСБ билан хасталанган 120 нафар боланинг клиник-анамнестик ва неврологик статусини баҳолашдан иборат бўлди. Шундай қилиб, 4–6 ёшда АСБ нинг энг кўп учраши, жинс тақсимотига кўра, барча ёш гуруҳларида ўғил болалар қизларга нисбатан деярли 4 баравар устун эканлиги аниқланди.

Ирсий мойиллик ўрганилганда АСБ билан хасталанган болалар орасида руҳий касалликларга нисбатан анамнезнинг оғирлиги аниқланди ($p < 0,05$). Бу маълумотлар аутизм ривожланишида генетик мойиллик омиллари мавжудлигини яна бир бор исботлаши боис бироз қизиқиш уйғотади.

Болаларни кўриқдан ўтказиш вақтидаги неврологик статус тонус диссоциацияси, рефлексларнинг ўзгариши (пай ва периостал рефлексларнинг енгил ассиметрияси), нутқий маҳсулнинг пастлиги ва ижтимоий муносабатларда нуқсон мавжудлиги кўринишидаги тарқоқ микроаломатлар билан характерланди.

Бош-мия нервлари томонидан – бурун-лаб бурмаларининг ассиметрияси ва силлиқлиги, кўз ёриқларининг ассиметрияси, тилнинг ўрта чизикдан оғиши ва бошқалар шаклида бош иннервацияси етишмовчилиги; 15,6% болаларда конвергенция ва аккомодациянинг бузилиши, бурун-лаб бурмасининг силлиқлиги ва кам ҳаракатчанлиги: ўнг томонда – 17,2% болаларнинг, чап томонда – болаларнинг 12,4% ида; тилнинг ўрта чизикдан оғиши болаларнинг 35% ида кузатилди (кўпчилик болалар ушбу кўрсатмаларни бажаришдан бош тортишди); бульбар ва псевдобульбар аломатлар аниқланмади, аммо болаларнинг 37,5% ида ютиш рефлекси сақланиб қолган ҳолда оғизда овқатнинг узок вақт ушланиб қолиши қайд этилди. Тонус диссоциацияси, патологик рефлекслар, координация бузилишлари 35,5 – 10,0% бўлган.


АСБ билан хасталанган болаларда уйқу бузилишлари частотаси (диссомния, инсомния, сомнолонгвия, сомнамбулизм, тунги босинқирашлар) сезиларли даражада юқори ($p < 0,05$) – 41% эканлиги аниқланди.

Шунингдек, марказий асаб тизимида патологик ўзгаришлар бўлмаган болалар фоизи назоратдагилар (9% га нисбатан 42,8%) билан таққосланганда статистик жиҳатдан сезиларли даражада ($p < 0,05$) паст эканлиги қайд этилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ушбу синдромлар (пирамидал, экстрапирамидал етишмовчилик синдроми, мушак дистонияси синдроми, энурез ва бошқалар) бизнинг натижаларимизга кўра, перинатал даврда марказий асаб тизими шикастланиши субклиник шакллари нинг етарлича юқори частотаси оқибати бўлиши мумкинлигини тахмин қилишимиз мумкин.

Нейропсихологик текширув неврологик тадқиқотни тўлдириб, мия шикастланишлари ва яримшарлараро ўзаро алоқани топиқал ташхислаш самарадорлигини сезиларли даражада оширди. Аломатларнинг пайдо бўлиш механизмини аниқлаштириш, шунингдек, нутқий ривожланиш бузилишларининг ҳар хил вариантларида руҳий функцияларнинг ривожланиш ҳолати ва динамикасини таҳлил қилиш мақсадида биз нейропсихологик тадқиқот

Ўтказдик. Текширилаётган болаларда аниқланган олий мия функцияларининг нейropsихологик бузилишлари 2-расмда келтирилган.



2-расм. Текширилган аутизмли болаларда когнитив функция бузилишлари

Нейropsихологик тадқиқот кинестетик, динамик ва фазовий праксисни, эшитиш-мотор координацияси, стереогноз, кўриш гнозиси, нутқ, эшитиш-нутқ хотираси, расм чизиш ва кўз хотирасини баҳолашни ўз ичига олди.

Ҳар иккала гуруҳда ҳам 100% ҳолатда нутқнинг бузилишига дуч келинди. Асосий гуруҳда эшитиш гнозиси, астереогноз, эшитиш-мотор координацияси ва динамик праксис сезиларли даражада устунлик қилди (мос равишда 87%, 83%, 83% ва 77%). Бунда бу бузилишлар таққослаш гуруҳида сезиларли даражада кам бўлди (мос равишда 57%, 43%, 30% ва 23%).

Расм солиш ва эшитиш-нутқий хотира бузилиши ҳар иккала гуруҳда деярли бир хил учради (мос равишда асосий гуруҳда 67% ва 83% ва қиёсий гуруҳда 57% ва 77%).

Шундай қилиб, ўтказилган тадқиқотлар натижасида М-СНАТ-R скрининг сўровномасига кўра текширилган болалар орасида АСБ ривожланишининг ўртача ва юқори хавфи тарқалганлиги аниқланди (мос равишда 45% ва 40%). М-СНАТ-R скрининг шкаласи ва DSM-V мезони таҳлили асосида болаларда АСБни эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилди.


Неврологик аломатлар аутизмли болаларда ёшга боғлиқ бўлиб, тонус диссоциацияси шаклида тарқоқ микроаломатларнинг мавжудлиги, рефлексларнинг ўзгариши (пай ва периостал рефлексларнинг енгил ассиметрияси), нутқий маҳсулнинг пастлиги ва ижтимоий мулоқотда нуқсонлар мавжудлиги билан тавсифланади. Эрта болалик аутизми бўлган беморларда неврологик статуснинг ўзгариши кўпинча пай рефлекслари, мушаклар тонуси ўзгаришлари ва бош-мия нервлари шикастланиши билан тавсифланади.

Неврологик синдромлар (пирамидал, экстрапирамидал етишмовчилик синдроми, мушак дистонияси синдроми, энурез ва бошқалар) перинатал даврда марказий асаб тизими шикастланиши субклиник шакларининг етарли даражада юқори частотаси натижасида пайдо бўлиши мумкин.

Диссертациянинг «**Нейрооқсиллар таркиби ва сочда элементлар миқдорини таҳлил қилиш натижалари**» деб номланган тўртинчи бобида АСБ билан хасталанган болаларда микроэлементлар ва нейрооқсиллар миқдорининг тавсифи келтирилган.

АСБ билан хасталанган 61 нафар бола текширилиб, уларнинг сочларидаги 24 та элемент ўрганилди. Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, АСБ билан хасталанган болаларда қуйидагилар сезиларли даражада ошган: натрий (250-800 мкг/г референс қийматларида $1124,99 \pm 156,3$ мкг/г), хлор (1000-2000 мкг/г референс қийматларида $6138,0 \pm 554,4$ мкг/г), калий (800-1000 мкг/г референс қийматларида $1330,7 \pm 189,9$ мкг/г), бром (1-3,2 мкг/г референс қийматларида $177,1 \pm 55,9$ мкг/г), қуйидаги кўрсаткичларнинг эса сезиларли даражада камайгани қайд этилди: кальций (1000-1500 мкг/г референс қийматларида $339,8 \pm 20,3$ мкг/г), рух (150-250 мкг референс қийматларида $108,4 \pm 7,8$ мкг/г) ва темир (20-30 мкг/г референс қийматларида $19,1 \pm 1,2$ мкг/г).


АСБ билан хасталанган болаларнинг макроэлементлар миқдори ўрганилганда натрий даражаси 47,5% ҳолатда, 100% ҳолатда кальцийнинг пасайиши ортида хлор даражаси 83,6% ҳолатда ва калийнинг меъёрий қийматлари 80,3% ҳолатда ошгани қайд этилди, 3-расм.



3-расм. АСБ билан хасталанган болалар сочларида макроэлементлар миқдори таҳлили

АСБ билан хасталанган болаларда эссенциал микроэлементлар орасида 95,1% ҳолатда мис, 82,0% ҳолатда кобальт, 80,3% ҳолатда хром, 77,0% ҳолатда рух, 75,4% ҳолатда йод миқдори камайганлиги қайд этилди.


Ушбу эссенциал элементлар 86,9% ҳолатда бром ва 80,3% ҳолатда селен ва 63,9% ҳолатда марганецнинг стандарт қийматлари ошиши ортида камаяди (4-расм).



4-расм. АСБ билан хасталанган болалар сочларида эссенциал микроэлементлар миқдори таҳлили

5-расмдан кўриниб турибдики, аксарият ҳолларда АСБ билан хасталанган болаларда токсик микроэлементларнинг миқдори паст бўлиши кузатилади, аммо шуни таъкидлаш жоизки, 31,1% ҳолатда рубидий кўрсаткичлари, 21,3% ҳолатда эса кумуш миқдорининг юқорилиги аниқланди.

Рух ва миснинг камайиши ГАЁК (гамма-аминоёғли кислота) тизимида муайян роль ўйнаши, эҳтимол, аутистик синдромда ўзгариши мумкин.




5-расм. АСБ билан хасталанган болалар сочларида токсик микроэлементлар миқдори таҳлили

Токсик микроэлементларнинг комплекс ортиқча бўлиши эссенциал микроэлементларнинг ўрнини босиши ҳисобига муҳим метаболик ва нафас олиш жараёнларининг бузилишига олиб келиши ва, оқибатда, АСБ ривожланиш хавфини ошириши мумкин.

